

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами



Тошкент 2021

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами

2021 йил ноябрь

Тошкент 2021

Масофавий таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2021. – 627 бет.

Масъул муҳаррир:

Ш.Абдуллаева – Тошкент давлат шарқшунослик университети, Педагогика ва психология кафедраси мудир, психология фанлари доктори, доцент

Такризчилар:

В.М.Каримова – психология фанлари доктори, профессор

А.А.Шаюсупова – педагогика фанлари номзоди, доцент

Тахрир ҳайъати:

- 1. Ш.Абдуллаева** - Педагогика ва психология кафедраси мудир, психология фанлари доктори, доцент
- 2. Ф.Халилов** - Педагогика ва психология кафедраси профессори, п.ф.д
- 3. К.Садикова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, б.ф.н
- 4. Г.Усмонова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, б.ф.н
- 5. С.Махкамова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, п.ф.н
- 6. А.Шаюсупова** - Педагогика ва психология кафедраси доценти, п.ф.н
- 7. Х.Жабборов** - Педагогика ва психология кафедраси доценти в,б, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- 8. С.Камалова** - Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
- 9. Р.Хайдарова** - Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси

*Тўпламдан ўрин олган мақолалар мазмуни ва аниқлиги учун муаллифлар масъул.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари Тошкент давлат шарқшунослик университети Илмий Кенгашининг 2021 йил 28-октябрдаги 3-сон мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети 2021

O'quvchilar sonining oshirilishi, masofaviy ta'lim texnologiyalarni to'liq qullagan o'quv muassasa talabalar soni ikki-uch barovar oshishi mumkin. Masofaviy ta'lim kurslari ikki va uch barovar oddiy kurslarga qaraganda arzonroq ekanligi moliyaviy imkoniyatlarni me'yorida saqlaydi.

Sosial yutuklar va afzalliklarga esa ijtimoiy guruxlarga ajratish yo'qligi, masofaviy ta'lim kursida ikkinchi oliy yoki qo'shimcha ma'lumot oluvchilar, malaka oshirish va qayta tayyorganlik o'tash istagida bo'lganlar, ikkinchi paralel ma'lumot olishni hojlagan talabalar, markazdan uzoqda, kam o'zlashtirilgan mintaqalar aholisi, jismoniy nuqsonlari bo'lgan shaxslar, armiya xizmatida bo'lgan shaxslar, erkin ko'chib yurishi cheklangan shaxslar va shu kabi boshqa shaxslarning istalgan mintaqada ta'lim olish imkoniyatlariga keng eshik ochadi. Boshqa bir muhim masala sifatida yosh cheklanishlari yo'qligi, o'qishga jalb qilinuvchilarning yosh cheklanishlari erkinligini ko'rish mumkin. Chunki bugun bu masala oliy o'quv yurtlariga kirish istagini bildiruvchi shaxslar o'rtasida dolzarb masalalardan biridir.

Bugungi globalashuv davrda texnologiyalar, yangicha qarashlar, yondashuvlar va noan'anaviy tizimlar afzal ko'rilmogda. Shu bilan birgalikda texnologiyalar bilan boyib, o'z imkoniyatini kengaytirgan masofaviy ta'lim yuqorida ta'kidlangan qulayliklarni insonlar uchun yaratib berar ekan bu sohada ham katta va sezilarni natijalarga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Omonov H.T, Xo'jayev N.X, Madyarova S.A, Eshchonov E.A.- Pedagogika texnologiyalari va pedagogik mahorat.- T,-2009.
2. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-son;
3. *Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi*, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son;
4. Shoyimova SH.S., Xoshimova M.K., Mirzayeva SH.R., Qo'ziboyeva M.M. - Ta'lim texnologiyalari.-T,-2020.

ТАЪЛИМДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚ АТВОРГА ЭГА ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Н.Р.Ахмадов - БухДу психология кафедраси ўқитувчиси

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) нинг 2019 йил маълумотларига кўра Австрияда 100 минг киши аҳолисига ўз жонига қасд қилиш - 24, Канадада - 15, Данияда - 18, Финляндияда – 28,4, Испанияда – 8,7 нафарни ташкил этади. Кўпгина давлатларда миллионлаб инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган суицид ва уни келтириб чиқарадиган ижтимоий-

психологик омилларни ўрганиш ва баргараф қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда ҳар томонлама етук, билимли ўсмирларни улғайтиришга доир илмий изланишларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шу ўринда ўсмирларнинг келажакда мустақил, маъсулиятли, иродали, рақобатбардош ва етук ўсмир бўлиб шаклланишига бўлган эҳтиёж ортмоқда. Шу боис ўсмирлар хулқига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва тегишли илмий тавсиялар беришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эса, нафақат ўсмирларга балки оилага психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Бугунги давр информацион ахборот технологиялари даври бўлиб унда инсон ва унга ижтимоий психологик таъсир этувчи омиллар тизими тобора ортиб бормоқда. Бунда, инсон қудрати ва унинг имкониятлари янада ортиши натижасида, одам ўзини–ўзи йўқ қилиб юбориш даражасига бориб етди. Турли хилдаги янгидан–янги қуроллар (ядровий, бактериологик, лазер в.б.) синовлари ва “Совуқ уруш”нинг ХХІ асрда ҳам “Мафкуравий уруш” сифатида давом этиши, шунингдек, бошқа ижтимоий ва иқтисодий ҳолатлар ўсмир ва унинг ижтимоий психологик тузилишига таъсир этиб келмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида яшаётган инсон жуда кўп маълумотларни ўзлаштириши, уларга жавоб бериб бориши, маълумотлар натижасида юзага келётган муаммоларини ҳал қилиб бориши оқибатида, кундалик ижтимоий муаммолар унинг руҳий ҳолати, асаб тизимига турлича таъсир кўрсатмоқда. Ўсмир албатта, жамиятда яшаш ва ўз ўрнини топиш учун юзага келётган муаммоларни ҳал қилишда турли қийинчиликларга учраши табиий ҳолдир. Жумладан, жамият ҳаётида жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берганида инсон ўзига, ўзлигига янада теранроқ назар ташлашга интилиб қолади. Инсон умри ваҳаёти паст–баланд, текис ва нотекис сўқмоқлардан иборат. Бу ҳолат ҳаётнинг ўзига хос бўлган синовидир.

Бугун ҳар бир ўсмир ўз тараққиётини, ўз иқтидорини билиш, ҳар қандай ёш даврида ҳам оптимал равишда ишга яроқлилиқни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилятини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги ўсмирлар учун психологик билимларни эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, кейинги 10 йилларда ўсмирлар орасида ҳам суицидал муаммолар кўпайиб бораётганлиги бунинг асосий сабаби бўлиб келмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра ўлим сабабларига кўра суицид юрак қон томир, онкологик ва травматизмдан кейин 4–ўринни эгаллаши ташвишли ҳолатдир. Ҳар йили дунё аҳолисининг миллионга яқин кишиси ўз жонига қасд қилади. Натижада буларнинг 80% ўлим билан якунланади.

Бу каби муаммо бугунги кунда ўсмирлар орасида ҳам содир этилаётганлиги жуда аянчли ҳолат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўз жонига қасд қилишнинг асосий сабаблари ижтимоий–руҳий муаммолар оқибатида

содир этилмоқда. Бундай фожиали ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аммо биргина бу ҳаракатлар билан унинг олдини олиш мумкин, деб бўлмайди. Бинобарин, ижтимоий психологияда суицид ва унинг сабаблари, унинг олдини олиш чоралари ҳамон муаммолигича қолмоқда. Уни атрофлича ўрганиш, айниқса, ўсмирлар ўртасидаги суицид сабабларини таҳлил қилиш ва уни камайтириш мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ўз жонига қасд қилиш ёки суицид бир тарафлама ҳаракат бўлиб, унда охирига етказилмаган ҳолатлар ҳам кузатилади. Эҳтиётсизлик оқибатида ёки ўзини билмай, англамай содир қилинган ҳолат – ўз жонига қасд қилиш (суицид) жараёни деб ҳисобланмайди. Балки, бахтсиз ходиса тоифасига киритилади.

Ўз жонига қасд қилиш ёки ўзини–ўзи ўлдириш ҳолати азал–азалдан кишилик жамиятида мавжуд бўлган ҳолат ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб тарихий ва этнографик маълумотларда муайян даражадаги тавсифлар мавжуд.

Бинобарин қадимги япон Самурайлари асир тушишдан кўра ўз жонига қасд қилишни шараф деб ҳисоблаганлар, ёки қадимги Миср маликаси Клеопатрия ҳам Рим истилосидан кейин ўлимни афзал билган, ёки араб истилочиларига босқинига қарши курашган Муқанна ва бошқа ўсмирларнинг ҳаётини алоҳида мисол тариқасида келтириш мумкин.

Суицид ҳолатларини қайд қилиб борувчи дунёдаги энг катта институт Швецияда жойлашган бўлиб, унинг ҳисоб-китобларига кўра Марказий Европа давлатлари бу борада пешқадам эканлигини таъкидлашмоқда.

Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра ўсмир суицид ҳақидаги ўз режаларини турли хил сўзлар, «калитлар сўзлар» ва огоҳлантиришлар ёрдамида сездиришга ҳаракат қилади. Ўз жонига қасд қилишни ўйлаганларнинг 10 тадан 8 таси атрофдагиларга бу ҳақда доимо билдиришга ҳаракат қилиб боришган.

Ўз жонига қасд қилишнинг моддий асосини топишга йўналтирилган тадқиқотлар 19-аср давомида ва 20-аср бошида олиб борилган. Аммо саноксиз анатомик ёриш натижалари ҳам суицидал хулқ-атвор, анатомио- физиологик маълумотлар ва психик касаллик мавжудлиги ўртасида алоқа борлигини аниқлашга имкон бера олмади. Шу борада, 20-аср бошида рус суицидологи Г.Гордон ўзининг “Замонавий ўз жонига қасд қилиш” (1912) асарида рухий касаллик ва ўз жонига қасд қилиш ўртасида бевосита алоқа йўқлиги ҳақида ёзган. Муаллиф фикрларининг асоси сифатида 371 нафар ўз жонига қасд қилган инсонларнинг танасини ёриб кўрган, натижада фақатгина 7.6 % фоизида рухий касаллик аломатлари кузатилган ва веналик врач А. Бронза тадқиқотига таянган [36]. Аммо, психик касаллар орасида ўз жонига қасд қилишнинг юқори даражасини инобатга олган ҳолда, кўпгина психиатрлар суицид фактини психик касалликлар мавжудлиги билан изоҳлаш тарафдори экан. Ўз жонига қасд қилишни алоҳида нозологик бирлик сифатида ажратиш учун уринишлар бўлган, суицидоманияни даволаш учун турли физиотерапевтик ва медикаментоз усуллар таклиф қилинган.

Амалиётда кузатилганидек, кўпгина психик касалларда суицид депрессия, параноид ва галлюцинатор-параноид ҳолатларда учрайди.

Суициднинг юқори фоизи наркомания ва алкоголизмга чалинган, ўсмирлик носозликлари мавжуд бўлган кишиларда учрайди. Масалан, Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотларда, 100 та ўрганиб чиқилган суицидентлар касаллик тарихидан 93 нафар суицидент психик касал деб тан олинган, (ўсмирдаги нохуш ҳолатлар улар ҳаётининг ўз жонига қасд қилиш билан тугаган, 50% алкоголикларда ва тахминан 20% депрессив касалларда кузатилган). А.Г.Амбрумова ва В.А.Тихоненко изоҳлаганидек, суицидентлар мажмуи учта асосий дигностик категория билан намоёниш этилган: рухий-асаб етишмовчиликлари билан чегарадош психик касалликларга чалинган касаллар ва мутлақо психик соғлом бўлган ўсмирлар. Муаллифлар фикрича, ўз жонига қасд қилиш алоҳида клиник феномен бўла олмайди. Улар берилган маълумотларга кўра учала келтирилган категориялар бўйича ўзаро миқдор нисбати 1.5:5:1 [18].

Ҳозирги замон мамлакатимиз ва чет эл адабиётларида тан олинганки, 25-30% суицид психик касаллар томонидан содир этилади, қолган миқдори психик соғлом ва психик нохушлик билан чегарадош ўсмирларга тўғри келади.

Бироқ, охириги йилларда суицидал хулқ-атвор механизмларининг аниқланганлиги ҳақидаги фактни инобатга олмоқ лозим. Шу йўналишда, Дж. Манн, М. Асберг, В.И. Браун ва бошқалар асарларида суицидал хулқ-атвор ва депрессиянинг биохимик корреллятлари аниқланган.

Юқорида таъкидланганидек, муаллифларнинг катта қисми, суицидал хатти-ҳаракатларни психик касаллар билан бирга, мутлақо соғлом ўсмирлар ҳам содир этиши мумкин деган қарашни илгари сурган. Шунинг учун, суицидни фақатгина тўғридан-тўғри психик патология натижаси деб эмас, балки психопатологик симптомлар ва индивидум ижтимоийлигининг асосини ташкил этадиган, унинг генезиса атроф-муҳит таъсири ва ўсмир ижтимоий-психологик тузилишининг ўзаро боғлиқлиги катта аҳамиятга эга эканлигини кўп омилли ҳодиса сифатида кўриб чиқиш лозим.

Маълумки, ўсмирлар томонидан содир этиладиган суицидал ҳолат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос ижтимоий психологик омилларига жиддий эътибор қаратиш, ўсмир фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Қолаверса, бу жараённинг кечишида аҳолига психологик хизмат кўрсатишнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиши табиий.

Юқоридаги маълумотларнинг эмпирик интерпритациясидан келиб чиқиб айтиш мумкинки;

1. Ўсмирлар орасида суицидал хулқнинг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ қилиш муаммосини махсус ўрганишга бағишланган методикалар, контент – таҳлиллар, анкета саволлари, тестлар ва кўшимча усуллар мажмуасининг қўлланилиши тадқиқотнинг амалий-татбиқий вазибаларини кенгроқ кўламда очиб бериш имконини яратди;

2. Илмий адабиётлар ва эмпирик изланишлар асосида тадқиқотнинг кейинги босқичларига олиб чиқилган суицидал хулқомилларининг ҳар бири ўзига хос индивидуал ва динамик хусусиятларга эга эканлиги қайд этилди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий психология фанидаги суицидал хулқ технологияси билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади;

3. Ўсмирларнинг ёши ошган сари улардаги компенсация психологик ҳимоя механизмлари ҳам ортиб борар экан. Бу механизм онгли равишда ишлатилади, шунинг учун ҳам ёш ошишида ақлнинг ўсиши натижасида етмаётган нарсаларни бошқа ҳолатлардан ундиришга интилиш кузатилиши мумкин экан;

4. Ўсмирларда содир қилинадиган суицидал ҳолатлар иш (хизмат) даврига нисбатан иш (хизмат) даврида кейинги ҳолатларда содир қилиниши билан боғлиқ бир қатор ишончли фарқлар кузатилди, яъни суицидал ҳолатларни содир этишда касбий омилга нисбатан ўсмирлик омиллар асосида содир қилиниши юқорироқ эканлиги яққол намоён бўлди;

5. Ўсмирлар орасида содир қилинадиган суицидал ҳолатларнинг ёш кўрсаткичлари билан боғлиқ ишончли фарқлар ҳам намоён бўлди. Жумладан, олиб борилган контент-таҳлиллар асосида қўлга киритилган таҳлилилар бошқа ёшларга нисбатан 12-15 ёшли ўсмирлар орасида кўпроқ суицидал ҳолатлар содир бўлганлигини кўрсатди;

6. Ўсмирлардаги енгил, ўрта ва оғир руҳий тушкунлик ҳолатларида ҳам манфий ва мусбат кореляциялар кузатилди. Жумладан 10-12 ёшли ўсмирларга нисбатан 13-15 ёшли ўсмирларда руҳий тушкунлик ҳолатининг ўрта ва оғир даражалари кўпроқ намоён бўлди.

7. Ўсмирлар орасида содир қилинган аксарият суицидал ҳолатларни суицид ота-она фарзандларига кам эътибор бериб, тарбиявий ишларни олиб бормаганлиги, уларнинг шахсий ҳаёилари, ўқишлари, хулқи билан қизиқмасликлари оқибатида юз берганлиги билан изоҳлаш мумкин. Юқорида қайд этилган ушбу хулосалар ўсмирларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ қилишнинг янги истиқболларини очиб беришга хизмат қилади.

Бугунги давр информацион ахборот технологиялари даври бўлиб унда инсон ва унга ижтимоий психологик таъсир этувчи омиллар тизими тобора ортиб бормоқда. Бунда, инсон қудрати ва унинг имкониятлари янада ортиши натижасида, одам ўзини–ўзи йўқ қилиб юбориш даражасига бориб етди. Турли хилдаги янгидан–янги қуроллар (ядровий, бактериологик, лазер в.б.) синовлари ва “Совуқ уруш”нинг XXI асрда ҳам “Мафкуравий уруш” сифатида давом этиши, шунингдек, бошқа ижтимоий ва иқтисодий ҳолатлар ўсмир ва унинг ижтимоий психологик тузилишига таъсир этиб келмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида яшаётган инсон жуда кўп маълумотларни ўзлаштириши, уларга жавоб бериб бориши, маълумотлар натижасида юзага келаётган муаммоларини ҳал қилиб бориши оқибатида, кундалик ижтимоий муаммолар унинг руҳий ҳолати, асаб тизимига турлича таъсир кўрсатмоқда.

Ўсмир албатта, жамиятда яшаш ва ўз ўрнини топиш учун юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда турли қийинчиликларга учраши табиий ҳолдир. Жумладан, жамият ҳаётида жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берганида инсон ўзига, ўзлигига янада теранроқ назар ташлашга интилиб қолади. Инсон умри ваҳаёти паст–баланд, текис ва нотекис сўқмоқлардан иборат. Бу ҳолат ҳаётнинг ўзига хос бўлган синовидир.

Бугун ҳар бир ўсмир ўз тараққиётини, ўз иқтидорини билиш, ҳар қандай ёш даврида ҳам оптимал равишда ишга яроқлиликни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги ўсмирлар учун психологик билимларни эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, кейинги 10 йилларда ўсмирлар орасида ҳам суицидал муаммолар кўпайиб бораётганлиги бунинг асосий сабаби бўлиб келмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра ўлим сабабларига кўра суицид юрак қон томир, онкологик ва травматизмдан кейин 4–ўринни эгаллаши ташвишли ҳолатдир. Ҳар йили дунё аҳолисининг миллионга яқин кишиси ўз жонига қасд қилади. Натижада буларнинг 80% ўлим билан яқунланади.

Бу каби муаммо бугунги кунда ўсмирлар орасида ҳам содир этилаётганлиги жуда аянчли ҳолат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўз жонига қасд қилишнинг асосий сабаблари ижтимоий–руҳий муаммолар оқибатида содир этилмоқда. Бундай фожиали ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аммо биргина бу ҳаракатлар билан унинг олдини олиш мумкин, деб бўлмайди. Бинобарин, ижтимоий психологияда суицид ва унинг сабаблари, унинг олдини олиш чоралари ҳамон муаммолигича қолмоқда. Уни атрофлича ўрганиш, айниқса, ўсмирлар ўртасидаги суицид сабабларини таҳлил қилиш ва уни камайтириш мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ўз жонига қасд қилиш ёки суицид бир тарафлама ҳаракат бўлиб, унда охирига етказилмаган ҳолатлар ҳам кузатилади. Эҳтиётсизлик оқибатида ёки ўзини билмай, англамай содир қилинган ҳолат – ўз жонига қасд қилиш (суицид) жараёни деб ҳисобланмайди. Балки, бахтсиз ходиса тоифасига киритилади.

Ўз жонига қасд қилиш ёки ўзини–ўзи ўлдириш ҳолати азал–азалдан кишилик жамиятида мавжуд бўлган ҳолат ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб тарихий ва этнографик маълумотларда муайян даражадаги тавсифлар мавжуд.

Бинобарин қадимги япон Самурайлари асир тушишдан кўра ўз жонига қасд қилишни шараф деб ҳисоблаганлар, ёки қадимги Миср маликаси Клеопатрия ҳам Рим истилосидан кейин ўлимни афзал билган, ёки араб истилочиларига босқинига қарши курашган Муқанна ва бошқа ўсмирларнинг ҳаётини алоҳида мисол тариқасида келтириш мумкин.

Суицид ҳолатларини қайд қилиб борувчи дунёдаги энг катта институт Швецияда жойлашган бўлиб, унинг ҳисоб-китобларига кўра Марказий Европа давлатлари бу борада пешқадам эканлигини таъкидлашмоқда.

Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра ўсмир суицид ҳақидаги ўз режаларини турли хил сўзлар, «калитлар сўзлар» ва огоҳлантиришлар ёрдамида сездиришга ҳаракат қилади. Ўз жонига қасд қилишни ўйлаганларнинг 10 тадан 8 таси атрофдагиларга бу ҳақда доимо билдиришга ҳаракат қилиб боришган.

Ўсмирлар орасида суицид ҳолатини содир этиш охириги вақтда кўпайиб бораётганлиги, ўсмирлар орасида учраётган психологик муаммолардан бири бўлиб келмоқда. ўсмирлар томонидан суицид ҳолатини содир этиш сабабларини қуйидагилар билан тушунтириш мумкин:

Суицидларнинг асосий фоизи кучли депрессив ҳолатда содир этилади. Депрессив ҳолатда бўлган инсонлар вазиятни назорат қилиш ва ушлаб туриш мақсадида ўсмир спиртли ичимликлардан ёки бўлмаса турли наркотик моддалардан фойдаланишга бўлган истакни кучайтиради, Ушбу воситалар ўсмирда воқеликни бузиб идрок этишга олиб келади. Шу тариқа ўсмирларнинг нотўғри йўлларга кириб кетишига олиб келади.

Суицид Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бирга ўсмирлар учун ҳам жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Ишлаб турган психологик таъминот тизими туфайли, ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилиш миқдори камайишига эришилган. Бироқ, маълумотлар тадқиқи шуни кўрсатмоқдаки, суицид ҳодисаларининг олдини олиш, ўсмирлар ҳаёти ва соғлигини сақлаш бўйича фаолият сифатини ошириш учун, суицидал хавфни объектив диагностика қилиш муаммосининг ечимини топиш лозим бўлади.

Умуман, суицидал хулқ шаклланишини ўрганиш муаммоси кўп тармоқли ва кенг кўламли эканлиги билан ажралиб турсада, мазкур муаммо бўйича талайгина илмий тадқиқотлар олиб борилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айтиш жоизки, кўпгина тадқиқотларда одатда тадқиқот объектини хотирасини йўқотиш натижасида ўз жонига қасд қилишга уринганлар ва психоневрологик диспансерлар рўйхатида турган ўсмирлар ташкил этган. Суицидентларнинг қолган гуруҳлари эса, айниқса ўз жонига қасд қилганлар, тадқиқотчилар назаридан четда қолиб кетмоқда

Бизнинг тадқиқотимизда эса ўсмирлар орасида суицидал хулқ шаклланишининг ўзига хос ижтимоий психологик жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тегишли илмий хулосалар чиқариш масаласи алоҳида ўрин тутади.

“Ўсмирлар орасида суицидал хулқ шаклланишининг ижтимоий-психологик механизмлари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотимиз натижалари қуйидаги хулоса ва тавсияларни имконини берди:

1. Ўсмирлар орасида суицидал хулқ шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўрганишда ўсмирларнинг ички ҳиссий кечинмалари, ўсмирлилик хусусиятлари, ўзига хос психологик ҳимоя

механизмлари, муайян даражадаги депрессивлик ҳолатлари билан боғлиқ психологик омилларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2.Ўрганилган илмий адабиётлар таҳлили, бугунги кунда муҳим бўлган суицид омилларини эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиш муқаррарлигини кўрсатди. Бунинг учун эса, энг аввало, ўсмирлардаги руҳий-эмоционал ҳолат, темпераментал сифатлар, ўсмир типлари, ўсмирлик хусусиятлари, депрессия даражалари ва улар ўртасидаги корреляцион кўрсаткичларни тадқиқ қилиш талаб қилинади. Жумладан, ўсмирлар орасида суицид хавф ҳолатларига (Т.Н.Разуваева шкаласи бўйича), Психологик ҳимоя механизмидаги номуносибликларга (Клерман-Путчик шкаласи бўйича),

Кучли стресс ва депрессия ҳолатларига тушишга (В.А.Жумуров ва В.Зунга шкалалари бўйича) мойилликнинг мотивацияларининг мавжудлиги ва уни коррекциялашга бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

3.Суицидга мойиллик мотивацияси кўрсаткичлари ўсмирнинг атрофдагилар билан ўзаро адекват муносабатга кириша олмаслик, қуйи даражадаги мулоқотмандлик, мулоқот вазиятларини адекват таҳлил эта олмаслик, касбдошларининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига нисбатан ноадекват сезувчанлик ва турли хил вазиятларда ўз-ўзини адекват даражада баҳолай олмаслик каби сифатлар билан белгиланади.

4.Ўсмирлардаги психологик ҳимоя механизмларининг намоён этилишида лавозим масъулияти ва тоифалар жиҳатдан ишончли фарқларнинг мавжудлиги кузатилди. Айтиш пайтда, ҳимоя механизмлари 10-12 ёшли ўсмирларда 13-15 ёшли ўсмирларга нисбатан юқорироқ бўлиши, асосан 10-12 ёшли ўсмирларга нисбатан кучли назорат ва юзага келган воқеликка объектив муносабатнинг камлиги билан боғлиқлигини кўрсатди.

5.Ўсмирларнинг ёши ва тоифалари ошган сари улардаги компенсация психологик ҳимоя механизмлари ҳам ортиб борар экан. Бу механизм онгли равишда ишлатилади, шунинг учун ҳам ёш ошишида ақлнинг ўсиши натижасида етмаётган нарсаларни бошқа ҳолатлардан ундиришга интилиш кузатилиши мумкин экан.

6.Ўсмирларда содир қилинадиган суицидал ҳолатлар иш (хизмат) даврига нисбатан иш (хизмат) давридан кейинги ҳолатларда содир қилиниши билан боғлиқ бир қатор ишончли фарқлар кузатилди, яъни суицидал ҳолатларни содир этишда касбий омилга нисбатан ўсмирлик омиллар асосида мойилликнинг намоён этилиши бирмунча юқорироқ даражада эканлиги яққол намоён этилди.

7.Ўсмирлар орасида содир қилинадиган суицидал ҳолатларнинг ёш кўрсаткичлари билан боғлиқ ишончли фарқлар ҳам намоён бўлди. Жумладан, олиб борилган контент-таҳлиллар асосида қўлга киритилган таҳлиллари 10-12 ёшли ўсмирларга нисбатан 13-15 ёшли ўсмирлар орасида кўпроқ суицидал ҳолатлар содир бўлганлигини кўрсатди.

8.Ўсмирлардаги енгил, ўрта ва оғир рухий тушкунлик ҳолатларида ҳам 10-12 ёшли ва 13-15 ёшли ўсмирлар орасида манфий ва мусбат кореляциялар кузатилди. Жумладан 13-15 ёшли ўсмирларга нисбатан 10-12 ёшли ўсмирларда рухий тушкунлик ҳолатининг ўрта ва оғир даржалари кўпроқ намаён бўлди.

9.Ўсмирлар учун ишлаб чиқилган ижтимоий-психотренинг дастурининг ўсмирлар орасида мунтазам ўтказилиб борилиши, улар орасида содир қилиниши мумкин бўлган суицидал ҳолатларни олдини олишга ва фавқулодда вазиятларда рухий оғишларсиз объектив муносабат билдира олиш кўникмасининг шаклланишига ижобий таъсир қилиши кўлга киритилган эмпирик маълумотлар орқали ўз тасдиғини топди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Авдеев В.В. Психологические основы повышения эффективности деятельности работников
2. ОВД в экстремальных ситуациях. – М, 1988. – 146 с. Белякова И.Ю. Опросник суицидального риска //Практикум по психодиагностике. Прикладная психодиагностика. — М., 1992. С. 21-25;
3. Малкина-Пых И.Г. Психологическая помощь в кризисных ситуациях. - М.: Эксмо, 2010. - 928 с.
4. Ефремов В.С. Основы суицидологии. - СПб.: Диалект, 2004. С. 104].

СПОРТЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДИНАМИКАСИ ХУСУСИДА

Ф.Т.Эгамбердиев – Қарши давлат университети
“Психология” кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Маълумки, ҳар қандай спорт тури иродавий соҳа такомиллашувининг асосий шартларидан бири саналади. Иродвай сифатлар шаклланиши динамикасини тушуниб олишдан олдин, ихтиёрий ҳаракатларнинг ўзи нима деган саволга жавоб топиш лозим саналади. Шахснинг ихтиёрий ҳаракатлари - бу муайян қийинчиликлар шароитида намоён бўладиган, ўзи-ўзи ихтиёрий тартибга солишга хизмат қиладиган хусусиятлардан биридир. Ихтиёрий ҳаракатлар шахснинг истак ва хоҳишлари, мотив ва мақсадлари ҳамда йўналишларни қамраб олган тизимдир. Спортда ихтиёрий ҳаракатларнинг намоён бўлиши, олдиндан сезилган вазиятларга ҳам узвий боғлиқ саналади. Л.П.Матвеевнинг ёзишича, ихтиёрий ҳаракатлар спорт фаолиятида нафақат мотивлар йиғиндисидан балки, муваффақиятсизлик қўрқув, ғалаба қозониш истаги шунингдек, асаб тизимининг хусусиятлари билан ҳам намоён бўлади[1,114]. Ушбу мулоҳаза шуни англатадики, асаб тизимининг хусусиятлари ва ўсмир спорт турига бўлган мойиллиги, юксак натижаларга эришишнинг психологик омилларидан бири ҳисобланади.

118	У.А.Арибжанова. Масофавий таълим тизимида педагогларда касбий компетентликни намоён бўлишининг педагогик-психологик моҳияти	475-481
119	С.М.Юлдашева. Масофавий таълимда ёшлар маънавий тарбиясининг шаклланишида миллий мероснинг ўрни	481-486
120	Н.Р.Усмонова. Масофавий таълимни ривожлантиришда инновацион ва таъсирчан педагогик технологиялар	486-489
121	Л.Я.Олимов., З.М.Махмудова. Психодиагностикани автоматлаштириш ва фанни ўқитишда инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хослиги	490-494
122	R.Otamuratov, S.Otamuratova. Ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish	494-500
123	О.Р.Авезов. Масофавий таълимда ўқув фаолиятини ташкил қилишда психологик экстремал вазиятларнинг психологик таҳлили	501-504
124	Г.Б.Худойкулова. Масофавий таълимда ўсмирларни гуруҳий мулоқотга ўргатишда психологик тренингларнинг аҳамияти	505-507
125	B.Ergashev. Guruhdan chetlatilgan o'smirlar aqliy imkoniyatlarini o'ziga xosligi	507-510
126	Ж.Ж.Рамазонов. Масофавий таълимда талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилишнинг ижтимоий-психологик технологиялари	510-515
127	М.Р.Мухторjonova. Masofaviy ta'lim tizimi, uning afzaliklari va bugungi kundagi ahamiyati	515-517
128	Н.Р.Ахмадов. Таълимда суицидаль хулқ атворга эга ўсмирлар билан ишлашнинг педагогик ва психологик технологиялари	517-525
129	Ф.Т.Эгамбердиев. Спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишининг динамикаси хусусида	525-528
130	D.N.Eshov. Masofaviy talimda futbolchilarni tayyorlashning zamonaviy pedagogic usullari va vositalari	528-532
131	А.А.Собиров. Новые технологии в дистанционном образовании	532-539
132	А.М.Назаров. Инновационные и эффективные технологии развития механизмов психологической защиты у спортсменов	539-543
133	Д.Т.Акмалова. Внедрение ресурсного подхода к организации и управлению педагогическими процессами в дистанционном модульном обучении	544-547
134	Д.Ш.Баратова. Педагогические и психологические факторы образования и психологической службы в обществе	547-552
135	Ф.Н.Халилов И.И.Бобров. Информационные технологии в образовании	553-555
136	Б.К.Машкурова. Технологии планирования смешанного урока	555-560
137	Ш.Гойибова., Ф.Х.Халилов. Роль технологий в сфере образования	561-564
138	Д.Р.Тураева. Особенности стиля общения в учебно-воспитательном процессе	564-568
139	Ф.Н.Халилов. Особенности дистанционного образования в обучении студентов музыкального направления	568-571
140	А.Та'риев. Masofaviy ta'limni rivojlantirishning innovatsion va ta'sirchan texnologiyalari	571-574
141	Х.Р.Хайдарова. Виртуал-педагогик маданият масофавий таълим контекстида	574-579
142	Т.А.Джалалов. Масофавий таълим орқали ўқувчиларнинг ўзлаштиришини самарали баҳолаш воситасидан фойдаланиш	579-583
143	S.E Kushbakova, X.A.Kenjayeveva. Masofaviy ta'limda o'qitish uslublari	583-586

**“МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ”
Мавзусидаги республика илмий-амалий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Нашриёт литсензияси №
2021 йил 28 октябрида босишга рухсат этилди.
Бичими 60x80 1/6 Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 28,25 шартли босма табоқ. 39 нашр табоғи.
Адади 10 нусха. 5-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.